



ҲАЗОРАСП ҚАЛЪАСИ ҲАҚИДА ШАРҚШУНОС А.Л. КУННИНГ ХОТИРАЛАРИ

Р.Абдиримов

*Хоразм Маъмун академияси етакчи илмий ходими
тарих фанлари номзоди, доцент*

Ҳазорасп туманида -нафақат Қадимий Хоразмнинг, балки Ўрта Осиёнинг ўзига хос мавқега, нуфузга эга қадимий қалъаларидан бири бўлиб, “Сулаймон қалъаси”, “Девсолган қалъа”, “Қалъайи хўб жойи маҳкам”, “Ҳазорасп қалъаси” каби номлар билан юритилиб, тарихи мозийнинг олис даврларига бориб тақалади. Ҳазорасп қалъаси бағирларида энг қадимги даврлардан то 19 аср охиригача бўлган кўхна тарихимиз мужассамдир.

Ҳазорасп Хоразм воҳасининг Қизилқумга туташган ҳудудларида жойлашган бўлиб, қадим замонларда Хитой, Ҳиндистон ва араб мамлакатларидан келаётган карвонлар Ҳазорасп дарвозаси орқали воҳага кириб келишган. Шунингдек, Ҳазорасп Буюк ипак йўллари орқали шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган эди шаҳар бўлганди. Қалъа асрлар давомида, жумладан Хоразмшоҳлар давлатининг, кейинчалик эса Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий марказлардан бири ва таянчи, ташқи душманлардан ҳимоя этувчи қалқони-ҳарбий стратегик муҳофаа истехкоми бўлиб келган. Шу боис бу ҳудудда мустаҳкам қалъа бунёд қилинган.

Тарихдан маълумки, қадим Хоразм сарҳадларида Сафардиз, Кардаронхос, Ардахушмисон, Гурганж, Миздахқон, Гардман, Кат, Вазарманд, Боқирғон, Нукфағ, Совкан, Мадминия, Гит, Субурна, Қуджағ каби кўплаб шаҳарлар каторида Ҳазораспнинг ҳам муҳим савдо шаҳри, мустаҳкам ҳарбий қалъа сифатидаги ўзига яраша ўрни бўлган.

Хоразм тарихида муҳим ўрин тутувчи ушбу қалъа ҳақида халқ орасида кўплаб ривоят ва афсоналар тарқалган бўлиб, уларда қалъанинг барпо этилиши Сулаймон подшо билан боғланилади.

Шу каби Ҳазорасп қалъаси тўғрисида ҳам кўплаб тарихий асарларда маълумотлар мавжуд. Қалъада ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида эса Ҳазорасп ўтмишини ифодаловчи ноёб маълумотлар юзага келди.

Хива хонлиги давридаги Ҳазорасп беклиги, ундаги жараёнлар тўғрисида Мунис, Огаҳий, Баёний асарларида, шунингдек хонликка келган кўплаб Россия, Эронлик элчи, сайёҳлар асарларида қимматли маълумотлар мавжуд. Шулар жумласига Муҳаммад Алихон Ғафурнинг “Хоразм сафари кундалиги” (1842 йил), Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Сафоратномаи Хоразм” (1851 йил) номли асарларини мисол келтириш мумкин ва уларда ҳам Ҳазорасп қалъаси ҳақида тўхталиб ўтилган.

Шунингдек Хива хонлиги архив ҳужжатларини тадқиқ қилган А.Л.Кун, П.Иванов, М.Йўлдошевнинг асарларида ҳам Ҳазораспнинг ер эгаллиги, бошқарув тузуми, тўланган солиқлари ва бошқа қимматли маълумотлар мавжуд.



Булар ичида Россиялик машхур шарқшунос А.Л.Куннинг бевосита Ҳазораспга ташриф буюриб кўрган кечирганлари ҳақида ёзган хотиралари алоҳида ажралиб туради. Маълумки, А.Л.Кун 1873 йил 23 майда Россия империяси Хива хонлигини истило қилганидан кейинги даврда хонликнинг бутун ҳудудларини айланиб чиқади. А.Л.Кун етук олим бўлгани боис, ўзининг жойларда кўрганларини тадқиқотчига хос таҳлил қилиб, “Озазис Хивинского ханства” номли тадқиқот ишини ёзади. Ушбу асарда олимга хос кузатувчанлик, шунингдек ўша пайтгача ва ундан кейин ҳам Ҳазорасп қалъасига оид ёзилмаган Сулаймон билан боғлиқ афсонанинг бошқача варианты қайд этиладики, бу А.Л.Куннинг Ҳазораспга оид ғоятда қимматли, бугунги кун ибораси билан айтганда илмий янгилик топганини кўрсатади.

Сафарнома тарзида қоғозга туширилган ушбу тадқиқотдаги “Город Хазарасп” номли бўлимда ёзилишича, “Хива хонлигидаги энг кучли, мустаҳкам қалъалар: шарқда Ҳазорасп, жанубда Хива, ғарбда Тошховуз, шимолда Хонқа. Бундан ташқари Ҳазорасп-Хива воҳасидаги энг қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Ҳазораспнинг кучли муҳофаа тизимига эга эканлиги тўғрисида 10 аср араб географлари ҳам таъкидлаб ўтганлар. Афсусланарлиси шундаки, қалъанинг энг қадимги шонли тарихи ҳақида халқ хотирасида деярли ҳеч нарса сақланиб қолмай унутилиб кетган. Қалъа тарихи тўғрисида куйидагича ҳикоя мавжуд: Қадимги вақтларда тўртта подшоҳ яшаган бўлиб, улардан иккаласи мусулмон, яна иккитаси эса мусулмон бўлмаган экан. Биринчи мусулмон подшоҳнинг нинг исмлари Шедадъ ва Фаранъ, иккинчиларининг исмлари бўлса Искандар ва Сулаймон бўлган. Уларнинг ҳар бири турли вақтларда яшаб ҳукмронлик қилишган.

Шулар ичида энг машхурларидан бири ҳазрати Сулаймон бўлиб, у ҳамма ерларни, ҳаттоки пари ва девларни, ҳайвонот олами устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатган экан. Кунларнинг бирида Сулаймон ўз тахтига ўтириб, шамол ҳамроҳлигида девлари билан ерларни кўриш учун осмонда парвоз қилади.

Осмонда парвоз қилиб маълум бир вақтдан сўнг ҳозирги Ҳазорасп ҳудудида тўхтади. Бу пайтда бу ерлар қалин ўрмон (тўқайзорлар) ва бой ўтлоқлар билан қопланган ўлка бўлган.

Ушбу ўлкада хушманзара булоқ ҳам бўлиб, ўша пайтда 1000 нафар ажойиб от ҳам сув ичгани келганди. Ҳайратланарлиси отларнинг ёнида боқиб юрган чўпон ҳам йўқ бўлиб, улар эркинликда ўтлаб юришганди.

Ҳазрати Сулаймон ёнидаги ҳамроҳлари отларга қизиқиб уларни ушлаб қўлга туширишга қанчалик ҳаракат қилишмасин битта ҳам отни ушлаб ололмайдилар. Шунда Сулаймон булоққа отларни сармаст қилувчи шарбат аралаштиришга фармон беради. Ана шундай ҳолатда отлар булоқ бўйига келишади ва мусаффо сувни истеъмол қилишгач самраст бўлганича шу ерда қолиб кетишади. Сулаймоннинг одамлар бундан фойдаланиб отларни ушлаб олиб қанотларини қирқишади. Ана шу воқеадан буён от одамнинг дўстига айланган экан.

Сулаймон барча отларни қўлга киритгач булоқ ёнида қалъа қуришга фаромон беради ва уни Ҳазор-асп (минг от) дея атади.



Ушбу қалъа орадан бир неча юз йил ўтгач вайронага айланади ва айнан унинг ўрнида Муҳаммад Ниёз иноқ томонидан янги қалъа барпо этилади. Ушбу қалъанинг қайтадан қад ростлаганига 100 йил бўлган. Қалъа атрофи Муҳаммад Аминхон даврида девонбеги Иброҳим томонидан янги девор билан ўраб олинади. Ана шундай қилиб, эски қалъа таркиби арқдан иборат бўлиб, уни Янги кўрғон деб атайдилар. Натижада янги кўрғоннинг жанубий девори арқка туташиб кетади. Янги қалъада бозор мавжуд бўлиб, дарвозадан ташқари чиқиб узокқача чўзилиб кетган. Арқнинг шимолий шарқий томонида ҳозир ҳам олдинги даврлардаги қадимий қалъа деворининг бир қисми сақланиб қолган бўлиб, маҳаллий аҳолининг айтишича бу девор қисми Сулаймон ҳукморонлик қилган даврга тегишли. Яна шунингдек қарияларнинг айтишича, Сулаймон даврида қурилган қалъа девори остида чилла хона жойлашган бўлиб, унга фақат битта киши сиғадиган бўлган. Ушбу хужра жуда қоронғи бўлган. Агарки кизиқувчилар унга кирсалар негадир вафот этишган ёки соқов бўлиб чиқишган.

Афсуски, нега бундай бўлишини маҳаллий аҳоли тушунтириб бериша олмади. Уларнинг гапига қараганда эллик йилча муқаддам кимдир чиллахонага кириб, у ерда бир нечта тасвирларни кўришган. Шунда даъфатан чиллахонага кирган кишига тарсаки тушади-ю, у қотиб қолади. Сўнгра у ердан довдираб чиқадию имо-ишора билан бўлган воқеаларни тушунтириб беради. Шу воқеалардан кейин бир ой чамаси вақт ўтгач Сари иноқ деб юритилган Раҳмонқули иноқ чиллахонага киришда Чордара (чордара-минора-бурж бўлиб 4 та эшиги мавжуд бўлган) барпо этдириб, ғорга кириш йўлини беркитдиради. Айтишларича Раҳмонқули иноқнинг ўзи ҳеч қачон Чордарага чиқмаган.

...Бухоро амирининг Хивага қарши урушларидан бирида, амир Ҳазорасп қалъасидаги Чордаранинг бир қисмини вайрон қилган. Ҳозир ҳам Ҳазорасп арқида иноқнинг саройи жойлашган.. Сарой меҳмонхонаси айниқса чиройли безалган бўлиб, Раҳмонқули иноқ даврида махсус фармон билан бундан 48 йил муқаддам (1873 йилдан аввал ҳисобланган бўлиши мумкин) қурилган. Айтишларича Саройни барпо этиш учун усталар Бухородан таклиф этилган.

Ҳазорасп қалъаси ва шаҳар Жувор-Хос канали бўйида жойлашган бўлиб, у Амударёдан сув олиш учун қазилган. Ҳазорасп атрофида 15 та қишлоқ мавжуд. Ҳар бир қишлоқ ўзининг миробига эга (жанубий ва шарқий ҳамда ғарбий қалъа деворларининг ташқари томонигача шаҳар бозори чўзилиб қўшилиб кетган). Шаҳарда 8 та масжид ва шунча мактаб, мадрасалар ва 400 та савдо дўкони-расталар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳазораспда душанба ва жума кунлари бозор бўлади. Шаҳар аҳолиси сартлар, 3/1 қисми эронликлар ва ўзбеклардан иборат. Ушбу ҳудуд шаҳарлари: Ҳазорасп, Питнак ва Шўраҳон. Уларга қаровчи қишлоқлар Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида иноқлар бошқарувида. Юқоридаги ҳудудлардан тушадиган барча даромадлар, салғути билан бирга иноқларга қарашлидир. Иноқ девони ҳозирги хонга қадар олий даражали саналиб, ҳукмдордан сўнг хон уруғидан бўлган катталарга тегишли бўлган. Бироқ ҳозирга келиб у ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотган ва бу унвон(лавозим)ни хон қариндошларидан 3-4 та шахс оладиган бўлган. Шу тарзда



хонликда ҳозирги пайтда 2 нафар иноқ бўлиб, хон уруғидан каттаси Ҳазорасп ҳокими бўлиб, амир ул умаро унвонига эга бўлган.

Ҳазорасп ҳукмдорлари ўзининг сарой амалдорларига эга бўлиб келишган. Амир ул умарога қарашли ерлар устидан назоратни девонбеги олиб боради. Ҳар бир қишлоқни эса унинг ёрдамчилари-ноиблари бошқаришади. Ноибларнинг бошқариши барча тушумларни тўплаб олишларидан иборат. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, хонликда работлар, қишлоқлар ва шаҳарларни бошқариш камдан-кам кишиларга қарашли бўлган. Шаҳар ҳоким томонидан бошқарилган бўлиб, унинг ёрдамчилари юзбоши ва катхудолар (оқсоқоллар) бўлишган. Қишлоқларда барча ишларга имом ва мироблар масъул бўлишган.

Жойлардаги маҳаллий бошқарувчилар мутлоқ ҳокимиятга эга ҳисоблансада, жиноятчилар устидан сўнгги ҳукми чиқариш ҳуқуқига эга бўлишмаган. Бундай ҳолатда хоннинг розилиги зарур бўлган.

Шуни ҳам эътиборга олиш ўринли бўлиб, Хива воҳаси жойлашган ва аҳолиси бўйича 3 та алоҳида қисмга ажралган бўлиб: Питнақдан-полвонариқгача бўлган қисми бу хонликнинг шарқий қисми бўлган. Иккинчиси хонликнинг ғарбий қисми. Учинчиси-хонликнинг шимолий қисми ёки Амударё ўнг қирғоғи эди. Хонликнинг бу қисми ҳозирда русларга тегишли-Амударё округи саналади”.

Шу тариқа шарқшунос А.Л.Кун ўзининг Ҳазораспга ташрифидан келиб чиқиб ёзган хотиралари ўз даврида матбуотда ёритилган. (А.Л.Кун. “Культурний оазис Хивинского ханство. “Туркестанские ведомости” газетаси. 1874 йил 8 январ). Ушбу хотираларнинг Ҳазорасп қалъаси тарихини ўрганишдаги аҳамияти катта.